

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ (ЎЗБЕКИСТОН)  
ВА  
ЯРОСЛАВ МУДРЫЙ НОМИДАГИ МИЛЛИЙ ЮРИДИК  
УНИВЕРСИТЕТ (УКРАИНА) ЎРТАСИДА ТУЗИЛГАН ҲАМКОРЛИК  
ТЎҒРИСИДАГИ МЕМОРАНДУМ**

Икки университет ўртасида ўзаро дўстона муносабатлар ўрнатиш, олий таълим ва илм-фан соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Тошкент давлат юридик университети (ТДЮУ) ва Ярослав Мудрый номидаги миллий юридик университет (биргаликда Томонлар деб номланади) қуйидагилар ҳақида меморандум имзоладилар.

**1-модда**

Ушбу Меморандумнинг асосий вазифалари сифатида турли таълим лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун икки университетнинг имкониятларини бирлаштириш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг академик алмашинувини йўлга қўйиш, университетлар ўртасида илмий ахборот ва маълумотлар, шу жумладан электрон ҳуқуқий ресурслар алмашинувини амалга ошириш ҳисобланади.

Томонларнинг келишувига кўра ушбу Меморандум икки университет ўртасида муайян ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади, мазкур дастурлар алмашинув шартлари ва ҳамкорликнинг айрим тафсилотлари назарда тутилган алоҳида келишувлар билан расмийлаштирилади.

Ушбу Меморандумда белгиланган ҳамкорлик йўналишлари ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантиришга тўсқинлик қилмайди, бунда таклифлар лойиҳасининг тегишли тартибда ишлаб чиқилиши ва Томонлар ўртасида олдиндан муҳокама этилишининг қоидаларига риоя этилиши лозим.

**2-модда**

Томонлар Университет тузилмаларини бошқариш соҳасида ҳамда педагогика, таълим методикаси, шу жумладан масофавий таълим масалаларида маълумотлар алмашинуви мақсадида тажриба алмашиш мақсадида имкониятларни бирлаштиришга келишиб олдилар.

Ушбу Меморандумни амалга ошириш мақсадида Томонлар “талаба” атамаси университетнинг кундузги шаклида ва магистратура дастурида таълим олувчини ҳамда докторантни назарда тутишига келишиб олдилар.



### **3-модда**

Томонлар икки университет ютуқларини акс эттирадиган босма нашрлар, методик қўлланмалар, нашрлар ва бошқа материаллар ҳамда электрон ҳуқуқий манбаларни ўзаро алмашиш истагини билдирдилар.

Томонлар ҳамкорликда монография, дарслик, ўқув қўлланма, илмий мақолалар тайёрлайдилар ҳамда икки Томон келишувига мувофиқ ҳолда мақолалар ва монографияларни тақриздан ўтказадилар.

### **4-модда**

Томонлар юридик таълим ва илмнинг долзарб масалалари юзасидан ҳамда ўқув жараёнини бошқариш соҳасида ўзаро ҳамкорликда тадқиқот ишларини амалга ошириш, шунингдек битирув малакавий ишлар, магистрлик ва докторлик диссертациялари учун илмий раҳбарликни (илмий маслаҳатчилик) амалга ошириш истагини билдирдилар.

Томонлар университетлараро ҳамкорлик доирасида ўзаро амалга оширилган тадбирларнинг натижаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эга.

### **5-модда**

Томонлар алоҳида келишувлар билан тартибга солинадиган талабалар, профессор-ўқитувчилар, илмий ва маъмурий-бошқарув ходимларнинг алмашинуви дастурларини ривожлантирадилар.

### **6-модда**

Томонлар ўқитувчилар, илмий ва маъмурий-бошқарув ходимларни ўқув ва илмий тадбирларда (конференция, симпозиум, семинар ва бошқалар) иштирок этишлари учун таклиф этишга келишиб олдилар.

### **7-модда**

Томонлар ўзаро магистрлик ва докторлик дастурларини ҳамда масофавий таълим дастурларини ва касбий қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш мақсадида ҳамкорлик қиладилар.

Томонлар алоҳида келишувлар билан тартибга солинадиган икки томонлама дипломлар бериш, Ярослав Мудрый миллий юридик университетининг ТДЮУда кафедраси / факультетининг филиалини очиш каби қўшма таълим дастурларини амалга оширадилар.

### **8-модда**

Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, Меморандумга алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар



киритиши мумкин бўлиб, улар Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланади ҳамда ушбу Меморандумда назарда тутилган тартибда кучга киради.

### 9-модда

Ушбу Меморандум ҳар икки Томон имзолаганидан сўнг кучга киради ва 5 йил давомида амал қилади. Агар Меморандумнинг амал қилиш муддати тугашидан 6 ой олдин Томонлар ушбу Меморандумни бекор қилиш истагини билдириб, ёзма равишда мурожаат этмаган бўлса, ушбу Меморандумнинг амал қилиш муддати автоматик равишда 5 йил муддатга узайтирилади.

Ушбу Меморандум бир хил қонуний кучга эга икки нусхада ҳар бир Томон учун ўзбек, рус ва украин тилларида расмийлаштирилди.

\_\_\_\_\_ шаҳрида 2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни имзоланди.

**Ўзбекистон Республикаси адлия  
вазири ўринбосари – Тошкент  
давлат юридик университети  
ректори (Ўзбекистон)**

**Ярослав Мудрый номидаги миллий  
юридик университет ректори  
(Украина)**



**Канъязов Есемурат Султамуратович**

Сана: 2019 й. « 16 » Май



**Таций Василий Яковлевич**

Сана: 2019 й. « 16 » Май